

УНИНГ ЖАСОРАТИ ҚАЛЬЛАРДА МАНГУ

Наманган вилоят тарих ва маданияти

Давлат музейи илмий Хотира бўлими мудури:

Ш.Ахмаджанова

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида Наманган вилоятидан 100 дан ортиқ хотин-қизлар кўнгилли бўлиб ватан ҳимоясига отланди. Тўсатдан бошланган иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига катта кулфат келтирди. 1942 йилнинг қиш фаслида Наманган шаҳрида Муҳаббат Исмаиловани Наманган область партия комитетининг биринчи секретари ўз ҳузурига чақирди. Муҳаббатхон обком комитетининг биринчи секретари кабинетига кирганда, у ерда Рая Закирова, Фаридахон Бурнашева каби дугоналари ҳам ўтиришарди. Сизни муҳим иш билан чавирган эдим, деди обком секретари Муҳаббатга қараб, сизни фронтга юбормоқчимиз. Бу таклиф сизга қизиқроқ туюлса керак. Муҳаббатхон бир зум ўйланиб қолди. Бепоён Россиянинг бағри кенг Украина ва Белоруссиянинг ўт ичида ёнаётгани қишлоқ шаҳарлари унинг кўз олдидан ўтди. Халқимиз бошига шундай оғир кунлар тушган бир пайтда иккиланиб ўтирармидим, деди у дадиллик билан ҳозироқ жўнашга тайёрман. Онам ҳар доим менга “Севикли қизим, азиз Ватан учун фидокор бўл” дердилар.

Муҳаббатхоннинг бу жавоабидан секретарь қувониб кетди ва “Раҳмат, сизга соғлиқ, жанговар ишингизда муваффақият тилайман”, деди. У уйига келди-ю, шошилинич йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Шу пайт синглиси Саодат Ҳа қаерга отланияпсиз? , деди Фронтга ! деди У ерда ҳам менинг ўрним бор . Бутун кучимиз билан душманни тезроқ дав этишимиз керак.

Муҳаббатхон эндигина 8 ёшга тўлган қизи Мукаррам тўғрисидагина ташвиш тортар эди. Лекин синглиси ўз жиянини бағрига босиб, кўзларидан юм-юм ёш тўкиб, уни кўз қорачиғидай сақлашга , тарбиялашга , вояга етказишга ваъда берди.

Намангандан фронтга жўнаётган етти қиз сафига Марғилондан Қодирова ,Хадича Бакирова, Андижондан Холида Сафаровалар қўшилди. Ана шу кунларда қаҳрамон қизил армиямиз Сталинград frontiда душманга қақшатқич зарбалар бераётган эди. Мухаббатхон тушган эшелон ҳам худди шу фронт линиясига келди.

Бу ерда ҳам мамлакатимиздаги турли миллат фарзандлари қатори ўзбек йигитлари ҳам гитлерчиларга қарши қаҳрамона жанг қилишмоқда эди. Мухаббатхон эпчил, абжир аёл бўлгани учун тезда уруш шароитига кўникиб кетди. У махфий алоқа бўлимида хизмат қила бошлади. Жангчиларимиз орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Шонли кўшинларимиз Сталинград муҳофазасидан шиддатли ҳужумга ўтиб, ғарбга томон олға қараб кетишди. Жанг оловларида тобланган Мухаббатхон ғоҳ машинада , ғоҳ пиёда, ғоҳ танкада ўз қисми билан ғарбга қараб борарди . Фронтда ҳам хотин-қизлар даҳшатли жанг шароитида ўз байрамлари 8-мартни нишонлар эдилар. Ўша йили март байрами Сталинград шаҳри яқинидаги Коганин қишлоғида окопда ўтказилди. Солдатлар, офицерлар, хотин-қизлар жангчиларни улуг байрам билан табриклаб, уларга жанговар ишларида оمود тиладилар.

Мухаббатхон жангчиларнинг туғишган опасидек бўлиб қолди. У ўз вазифасини бажариб бўлгач, қисмдаги солдатларни йиртилган кийимларини ямар, ярадорларга ҳам меҳр билан ёрдам берар эди. У тезроқ ғалаба бонги урилишини , душманнинг ер билан яксон бўлишини кутарди. Мамлакатимизнинг узоқ бир чеккасида Наманган шаҳрида ўсиб улғайган Мухаббатхон Исмоилова гвардиячи старшина унвонини олишга муяссар бўлди. У уруш йилларида Сталинград, Воронеж, Курск, Тула, Полтава, Кривогород, Кременгук ва Днепетровск шаҳарларида бўлган жангларида қатнашда, ярадор бўлди ҳам. Госпиталда ётиб даволанди, тузалиши билан яна фронтга юборилишини талаб қилди. У ўз қисми билан Руминияга келди. Сўнгра Ясси шаҳрини озод қилишда қатнашди. Ниҳоят Берлинда Рейхстагга Ғалаба байроғи тикилган кунни кўриш Мухаббатга насиб бўлди. Мухаббатхон кўкрагини жанговар медаллар билан безатиб, ўз она юртига

қайтиб келди. У энди халқ фаравонлиги йўлида хизмат қилди. Мана ўзбек аёлининг фидойилиги, мана ўзбек аёлининг кудрати, мана ўзбек аёлининг матонати, бу матонат ҳозиргача бизнинг ўзбек аёлларимизга авлодлардан мерос бўлиб келяпти. Мустақил Ўзбекистонда ҳам матонатли, сабрли ўзбек аёлларидан ҳокимлар, турли соҳаларда раҳбарлар хизмат қилмоқдалар.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1.Фронт йўлларида.Адҳам Раҳмат

.Мардлик Мангулик. 1970 йил. Жамланма

3.”Тарих ва Маънавият кўзгуси” Э.Мирзаалиев О.Баҳриддинов Наманган.2006 йил